



ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни

ОЧИҚ ВА ОШКОРА САЙЛОВЛАР

сиёсий партиялар фаоллиги ва
тажрибасини оширади

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик
партиясидан Ўзбекистон Республикаси
Президентлигига кўрсатилган номзод
Дилором Тошмухамедова 3 декабрь куни Қаш-
қадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.



Косон туманидаги янги-дан қуриб фойдаланишга топширилган болалар шифохонасида бўлиб ўтган учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссияси раиси Норкуват Янгібоев очди. Президентликка номзоднинг ишончили вакили, Ўзбекистон «Адолат» СДП Қашқадарё вилоят Кенгаши биринчи котиби Абдуқаҳор Аҳмедов йиғилганларни номзоднинг таржimai холи билан таништирди.

Сайловчилар билан учрашувда Президентликка номзод Дилором Тошмухамедова ўз сайловолди дастури тўғрисида маъруза қилди. У ўз маърузасида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг Президент сайловидаги иштироки партия учун тобланиш, чиқиш, катта таърибга эришиш мактаби бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этди. Шунингдек, маърузада таъкидландики, истиқлол йилларида мамлакатимиз халқ ҳужалигининг барча жабҳаларида амалга оширилган кенг қўламли иш-хотлар тўғрисида халқ фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда. Шу билан бирга, маърузада иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, жумладан, тадбиркорликни кенг тараққий эттириш, энергетика самардорлиги ва тежамкорлигига эришиш, мамлакатда қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳамда табиий бойликлари асраб-авайлаш барқарор тараққиёт асоси эканлиги эътироф этилди. Ижтимоий соҳа қўнунилик базасини янада такомиллаштириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, суд мус-

тақиллигига тўла эришиш, илм-фан ва таълимга янги технологияларни янада кенг жалб қилиш, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол ўсиб-улғайишларига алоҳида эътибор билан ёндашиш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтириш ва бошқа бир қатор муҳим масалалар дастурда устувор вазифа этиб белгилангани қайд этилди.

Дилором Тошмухамедова, шунингдек, жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг роли ва ўрни тобора ортиб бораётганига тадбир катнашчилари эътиборини қаратди: — Биз «Давлат бошқаруви» янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонунни ҳаётга тўлиқ таъдиқ этилишига эришмоғимиз лозим, — деди, жумладан номзод. — Чунки мазкур қонун сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтириб, жамият ҳаётидаги ролини тубдан оширишга хизмат қилади.

Дилором Тошмухамедова ўз маърузасида Қашқадарё вилояти республикасида ўзига хос нуфузга эга эканлигини таъкидлади. Бинобарин, воҳада, айниқса, кейинги йилларда барча соҳаларда юқори натижаларга эришилаётганини қўна Қашқадарё замини нафақат унмдор ерлари, балки табиий захира-ларга бой маконлиги билан ҳам ажралиб туради. Бугун Ўзбекистонда қазиб олинган газнинг 88, нефтининг 98 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри

келмоқда. Бунинг эвазига республикаимиздаги ўнлаб корхоналарнинг бир маромда ишлаши таъминланмоқда. Бу йил улкан иш-шот — «Фузур — Бойсун — Қумқўғон» темир йўлининг ишга туширилиши, ҳеч шубҳасиз, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга хизмат қилади.

Учрашувда сайловчилар номзодга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Бунда асосий эътибор хотин-қизларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, таълим ва тиббиёт соҳаларида амалга оширилган ислохотларни ҳаётга янада изчил таъдиқ этиш каби масалаларга қаратилди.

Сайловолди учрашувда Қарши туманидаги «Мустақиллик» кишлоқ врачлик пункти мудариси Муқаддас Мирсаидова, «Қўчмас мулк ва сармоялар агентлиги» масъулияти чекланган жамият директори Зокир Раҳимов, Қарши шаҳар «Маҳсумобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Эркин Хўжақулов, вилоят адвокатлар уюмаси раиси мовини Норсафар Норматов ва бошқалар сўзга чиқиб, миллий сайлов тизимимиз демократик тамойилларига тўла мос келишини таъкидлашди.

Учрашув иштирокчилари барча юртдошларимизни жорий йилнинг 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловида фаол иштирок этишга чақирдилар.

Комил САХАТОВ,
«Адолат» мухбири



Носир ХАЙДАРОВ
олган суратлар

Пойтахтимизда 2008 йилда истеъмолчиларга озиқ-овқат, енгил саноат ва но-зиқ-овқат маҳсулотлари ет-казиб бериш бўйича ул-гуржи савдо-ярмаркаси да-вом этмоқда.

Тадбирда «Ўзлугуржисав-доинвест» уюшмасининг Республика иқтисослашти-рилган улгуржи савдо база-контрлари ва худудий ба-залари, товар ишлаб чи-қарувчи корхоналар, кичик ва хусусий бизнес вакиллари иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрда қабул қилинган «Ярмарка савдоси-ни ташкил этишни такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юрти-мизда ҳар йили анъанавий улгуржи савдо ярмаркалари ўтказилишида муҳим омил бўлмоқда. Бундай ярмарка-ларни ташкил этишдан қўзланган мақсад ички бо-зорни ўзимизда ишлаб чи-қарилган рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлди-риш, товар ишлаб чиқарув-чилар билан савдо ташки-

лотлари ўртасида алоқани янада мустаҳкамлаш ҳамда аҳоли эҳтиёжига мос маҳсу-лотлар турини кўпайтириш-га қўмаклашишдан иборат. «Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмасининг озиқ-овқат маҳсулотлари бошқармаси бошлиғи Нейматжон Аҳмад-жоновнинг таъкидлашича, халқ истеъмоли моллари ул-гуржи савдо-ярмаркаси ўтган йили маҳсулотлар ту-ридан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг саккиз худудда ўтказилган бўлса, жорий йилда истеъмолчилар-

га қулайлик яратиш мақса-дида уч жойда ташкил этил-ган. Савдо майдонлари эса бепул берилган. Бундай қулайликлар ярмарка ишти-рокчилари сонининг ўсиши-га ижобий таъсир этмоқда.

Республика улгуржи сав-до-ярмаркасида гўшт, сут, қандолатчилик ва макарон маҳсулотлари, алкоғолли ва яхна ичимликлар, қайта иш-ланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қи-лиш мумкин. Шунингдек, ишлаб чиқарувчилар истеъ-молчиларга маийший-хўжа-

лик моллари ҳамда турли хилдаги халқ истеъмоли то-варларини ҳам тақлиф эта-ётир.

— Ўтган йили ушбу ярмар-када қарийб 80 миллиард сўмлик шартнома имзолаган эдик, — дейди «Ўзкимёсано-ат» давлат-акциядорлик компаниясининг маркетинг ва ташқи иқтисодий алоқа-лар бошқармаси бошлиғи Ботир Набиев. — Бу сафар мўлжалимиз — юз милли-ард сўм. Шу мақсадда бе-жирим қопчаларга қадок-ланган 0,5-3 килограммли минерал ўғитлар, турли ўлчамдаги пластмасса қувурлар, ўсимлик зарарку-нандаларига қарши восита-лар каби бир неча турдаги маҳсулотларни олиб келдик.

Тадбирда йирик ишлаб чиқариш корхоналари қато-рида кичик бизнес вакилла-ри ва хусусий тадбиркор-ларга ҳам кенг ўрин ажра-тилган.

— Мамлакатимизда хусу-сий тадбиркорлик ривож-и учун яратилган имкони-ятлар самараси ўларок, фирмамиз фаолияти ҳам изчил кенгаймоқда, — дейди Тошкент вилояти Зангиота туманидаги «Восит ўғли бек» хусусий фирмаси раҳбари Восит Улломоев. — Ишни бир хил маҳсулот ишлаб чиқа-ришдан бошлаган эдик.

Хозир қарийб йигирма хил ширинлик ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Экспортга чиқараётган маҳсулотлари-миз ҳамми ҳам ортимоқда. Мазкур ярмаркада ҳамкор-ларимиз билан ўнга яқин шартнома имзоладик. Бу эса келгуси йилда маҳсулот-ларимиз турини янада кўпайтиришда қўл келади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

Бугунги кун
мавзуси
**ҲУҚУҚ,
БУРЧ,
МАСЪУЛИЯТ**

...ўз ҳуқуқидан
кенг фойдаланган,
ўзининг бурч ва
мажбуриятларини
ўз вақтида ба-
жарган, ҳуқуқий
маданияти юксак
бўлган фуқаролар-
гина сайловлар на-
тижасининг са-
марали бўлишига
ижобий ҳисса
қўшади.

2-бетда ўқинг

БАТАН ИСТИҚБОЛИ УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

Ўзбекистон Республика-си Президенти сайлови бўлиб ўтадиган кун тобора яқинлашмоқда. Барча жойларда бўлгани синга-ри 8-Самарқанд сайлов округида ҳам бу масъули-ятли жараёнга қизғин ҳозирлик кўриломоқда.

Вилоятнинг олис ва яқин худудларидаги 834 та сайлов участкасида бўла-жак сиёсий тадбирда 1 миллион 724 минг 300 киши иштирок этиши ку-тилаётган бўлса, шулар-нинг 250 минг нафарини бу йил илк мартаба сай-ловда овоз берадиган ёшлар ташкил этади. Кат-такўрғонлик коллеж тала-баси Феруза Абдуллоимо-ва ана шундай бахтга му-шарраф бўлганлардан.

— 23 декабрь куни ўз фуқаролик ҳуқуқимдан фойдаланиб, Президент сайловида фаол иштирок этаман, — дейди у. — Ўша кун, минглаб тенгдошларим қатори мен ҳам, Ва-тан истиқболи, юрт тарақ-қиёти, келажаги учун овоз бераман.

— Хорижий фирмалар

билан ўзаро ҳамкорлик бўйича янги шартномалар тузаёпмиз, — дейди Сама-рқанд туманидаги «Ота-бек» масъулияти чекланган жамият раиси Раҳматжон Эгамбердиев. — Ўзбеки-стоннинг чет давлатлар би-лан амалга оширадиган иқтисодий алоқалари қайси йўлдан ривожлани-ши биз учун муҳим. Шу боис юрт келажаги ва та-раққиёти учун сайловда фаол иштирок этаман.

Бундай самимий, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан тўлиб-тошган эътирофларни яна давом эттириш мумкин. Энг асо-сийси, самарқандликлар овоз ва обод юртимизнинг барча фуқаролари қатори Президент сайловида фаол иштирок этиш орқа-ли сиёсий ислохотларни чинаямга қўллаб-қувват-лаш, демократик жамият афзалликларини, қонун устуворлигини намоён этиш фикри-мақсади би-лан яшамоқдалар.

Зоҳир ТУРАКУЛОВ,
«Адолат» мухбири
Муаллиф олган сурат.



Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик
партиясидан Ўзбекистон Республикаси
Президентлигига кўрсатилган номзод
Дилором Тошмухамедова 5 декабрь куни На-
манган вилояти сайловчилари билан учрашди.

Наманган шаҳридаги Али-шер Навоий номи музика-ли драма ва комедия театри биносидан ўтказилган тад-бирда вилоятнинг барча ту-ман ва шаҳарларидан сай-ловчилар қатнашди.

Учрашувни 7-Наманган округ сайлов комиссияси раиси К.Абдуллаев очди. Президентликка номзод-нинг ишончили вакили, «Адо-лат» социал-демократик партияси вилоят Кенгаши биринчи котиби Х.Ахмадхў-жаев йиғилганларни ном-зоднинг таржimai холи ва сайловолди дастури билан таништирди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти-лигига номзод Дилором Тош-мухамедова маъруза қилди. Маърузада номзод ўз сай-ловолди дастурининг асосий устувор йўналишлари маз-мун-моҳияти тўғрисида сўз юритди. Дастурда мамлака-тимизда амалга оширилаёт-ган кенг қўламли ислохот-лар ўзининг ижобий самар-аларини бераётгани, мам-лакат иқтисодиёти ривожла-ниб, халқимиз фаровонлиги юксалиб бораётгани таъкид-ланган.

Дастурнинг муҳим йўна-

лишларидан бири ижтимоий соҳага оид бўлиб, партия жамиятда тинчлик ва осои-ишлатилиш, фуқаролар, мил-латлар ва динлараро тотув-ликини мустаҳкамлашда иж-тимоий адолат қояларини изчил қарор топтиришга ин-тилади. Шунингдек, соғлиқ-ни сақлаш соҳасида самара-ли механизмларни жорий этиш, тиббий хизмат сифат даражасини босқичма-босқ-ич ривожлантириш, шу соҳа-га доир қўнунилик базаси-ни такомиллаштириш ҳам да-стурнинг муҳим вазифала-ридан эканлиги қайд этилди.

Учрашувда ижтимоий со-ҳадаги ислохотларда тегиш-ли тузилма ва идоралар масъулиятининг ошиши яна-да ижобий самараларга олиб келиши, бу борада фу-қароларнинг ўз бурчига со-диқлиги ва фаоллиги алоҳи-да аҳамият касб этиши таъ-кидланди.

Номзоднинг сайловолди дастуридаги устувор йўна-лишлардан яна бири сиё-сий соҳани изчил либерал-лаштиришни давом этти-ришдир, деб белгиланган. Зеро, мамлакатда олиб бо-риллаётган сиёсий ислохот-ларни янада жадаллашти-

риш, демократик қадрият-ларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жамиятда адолат устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинларини таъ-минлаш, давлат ҳокимия-ти органлари фаолияти ус-тидан жамоатчилик назо-ратини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида эътироф қилин-ган.

Йиғилишда қатнашган тадбиркорлар, профессор-ўқитувчилар, шифокорлар, фармацевтлар ва бошқа турли соҳа вакиллари ўзла-рини қизиқтирган савол-ларга жавоб олишди.

Учрашувда «Адолат» со-циал-демократик партияси биринчи котиби, техника фанлари доктори, профес-сор Н.Бойбобоев, Респу-блика акушерлик ва гинеко-логия илмий текшириш маркази Наманган филиа-ли бўлим мудариси О.Қўч-қорова, Чуст туманидаги «Бобур» илмий-ишлаб чи-қариш маркази директори А.Қосимов, Наманган шаҳ-ридаги 82-дорихона муди-ри М.Азизов ва бошқалар сўз чиқишди. Улар Ўзбеки-стон Республикаси Прези-дентини сайлови жараёни кўппартиявийлик асосида, очик-ошқора ўтаётганини таъкидлаб, сайловчиларни сайловда фаол иштирок этишга даъват этдилар.

Азамат МАХМУДОВ,
«Адолат» мухбири

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ

партиявий фаолият негизида

Тарихан социал-демок-ратик ҳаракат XIX асрнинг ўрталарида шакллана бош-лади. Ўша даврда Фарбий Европа мамлакатларида саноат ривожланиб, йирик корхоналар пайдо бўлди. Бу, ўз навбатида, ёлланма ишчи кучига эҳтиёж туғди-рди. Ишчиларнинг оғир меҳ-нати ва ижтимоий аҳволи уларнинг ўз ҳақ-хуқуқлари-ни ҳимоя этишни тақозо қиларди. Бу вазифани со-циал-демократлар ўз зим-маларига олдилар. Дастлаб

улар матбуот ва касаба уюшмалари орқали, кейин-чалик эса сиёсий партия-лар орқали ҳаракат қилди-лар. Бундай партиялар фа-олиятининг асосида меҳ-наткашларнинг ижтимоий (социал) ҳимоясини таъ-минлаш мақсади ётарди. Шу сабабли, улар социал-демократик партиялар, деб атала бошланди.

Вақт ўтиши билан соци-ал-демократлар ўз сиёса-тида нафақат бир синфнинг манфаатларини, балки жа-

миятнинг барча ижтимоий гуруҳлари манфаатини қиёдалашга интилиб, таш-килотларини «синфий партия»лардан «умумхалқ» партияларига айлантириди-лар.

Социал-демократлар ёлланма ишчилар ва тад-биркорлар орасидаги му-носабатларни мувофиқ-лаштириш мақсадида иж-тимоий ҳамкорлик меха-низмларини ишлаб чиқиш-да фаол иштирок этдилар. (Давоми 2-бетда)

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Конституциямиз қабул қилинганга эртага 15 йил тўлади. Мен унинг ҳар йил-лик ёши олтидан, беихтиёр, Шарқнинг улуг доишманди Абу Наср Фаробийнинг «Фо-зил одамлар шаҳри» асари-ни эслайман. Унда фозил кишилар яшайдиган шаҳар-да барча ўзаро тенг ҳуқуқли, ҳамжиҳат, эмин-эркин яша-ши зикр этилади.

Аждодларимиз орзулаган бундай жамият, шубҳасиз, мустақиллик йилларида бар-по этишга киришилган, қонун устуворлигига асосланган жамият ҳаётига монандир.

Бу жамиятда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқнинг буюк орзуларига ҳамоҳанг ҳаётбахш умидлар ифодачиси ва саодатли уфқ-лар сари элтувчи асосий Қонун бўлиш билан бирга, мамлакат суверенитети, худудий яхлитлиги, аҳоли-нинг тинч ҳаёти ва хавфсиз-лигини таъминловчи ишонч-ли қалқондир. Шу қалқон ҳимоясида истиқлолнинг ўтган даври мобайнида мил-лий давлатчилигимизни тик-ладик, дунёга овоз ва эркин миллат сифатида танилдик. (Давоми 2-бетда)

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ташқи сиёсатдаги мезонимиз давлатимиз манфаатларини барча имкониятларни ишга солган ҳолда ҳимоялаш бўлди. Шу мақсадда Конституциянинг XXVI боб, 125-моддасига: **“Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.**

Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларнинг ташкил этиш Қонун билан белгиланади”, деб муҳрлаб қўйилди.

Тинчликсевар ўзбек давлати давлатлар ўртасидаги чегараларни бузмаслик тўғрисидаги Хельсенки шартномаларига қатъий амал қилмоқда. Давлат чегараси билан боғлиқ масалалар чегарадош давлатлар ўртасида шартнома ва келишувлар асосида, шунингдек, умумэтироф этилган халқаро меъёрий ҳужжатлар ёрдамида тартибга солинади. Ўзбекистонда давлат чегарасини қўриқлаш вазифасини Республика Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари амалга оширади. Давлат чегараси масаласида Ўзбекистон изчил ва ҳозирги замон сиёсий тамойилларига монанд йўлдан бормоқда.

Шу ўринда Конституциянинг 126-моддасини ҳам алоҳида қайд этмоқ жоиз: **“Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга”**. Зеро, Мустақиллик йиллари бошиданок, Ўзбекистон ўз чегаралари хавфсизлигини

айрим давлатлар сингари бошқа давлат ҳарбий кучлари билан эмас, ўз ҳарбий кучлари билан таъминлаб келаяпти. Бинобарин, чегарани бошқа давлат ҳарбий кучлари билан қўриқлаш, бу – мустақиллик далолати эмас, аксинча заифлик даражаси бўлиб қоларди.

1992 йил 14 январда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча ҳарбий қисмлар, қўшилмалар, ҳарбий ўқув юртлари, соҳага тегишли муассасалар ва ташкилотлар, бошқа ҳарбий тузилмалар ҳамда

лигига айлантирилди. 2001 йил 11 майда эса бу қонун Олий Мажлис томонидан янги таҳрирда тасдиқланиб, мудофаани ташкил қилишнинг асосий йўналишлари белгиланган бўлди.

Мамлакатимизда Қуролли Кучлар тизимини жаңовор техника ва қурол-яроғларнинг энг янги намуналари билан жиҳозлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий муҳофазасининг мустаҳкам тизимини барпо этиш, етарли шарт-шароитлар яра-

“...Конституция қонунларнинг қонунидир. Шу сабабли Конституция барча бошқа қонунлар, қарорлар, қўрсатмалар ва ечимлардан юқори туради, уларга нисбатан энг олий манбадир...”

...Конституция – Мустақиллик, тенглик, демократик ва инсонпарварлик учун курашнинг меъясидир ва аини вақтда асосидир...”

...Конституция давлатдаги барқарорлик ва изчилликнинг омилдир.”

(“Мустақиллик”. Изоҳин илмий-оммабоп луғат. Тошкент, 2006 йил)

уларнинг моддий-техникавий ва молиявий таъминоти Ўзбекистон Республикаси тасарруфига ўтказилди. Конституциямизда юқорида келтирилганидек, мамлакатимиз Қуролли Кучларининг мақоми, асосий вазифалари ва фаолият доираси белгиланиб, ҳуқуқий замини мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 29 декабрдаги қонунига мувофиқ, ҳар йилнинг 14 январидан “Ватан ҳимоячилари кун”и нишонланадиган бўлди.

1992 йил 3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан “Мудофаа тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, Мудофаа ишлари бўйича вазирлик Мудофаа вазир-

лиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар қўриб келинмоқда. Қуролли Кучларимиз бугунги кунда Қуруқликдаги қўшинлар, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, Ҳарбий ҳаво кучлари, Махсус қўшинлар, Чегара қўшинлари, Ички ишлар вазирлигининг ички қўшинлари, Миллий Хавфсизлик хизматининг ҳарбий тузилмалари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, шунингдек, бошқа вазирликлар, муассасалар ва бошқармалар ҳарбий тузилмаларидан иборат.

Конституция негизига қабул қилинган “Мудофаа тўғрисида”ги қонунга кўра, профессионал армиямизда юксак малакали ҳар-

бий кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда Тошкентда Қуролли Кучлар Академияси ва Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқда Олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Самарқандда Олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тошкент Автомобиль технологиялари университети қошида махсус факультет, Чирчиқ, Самарқанд, Наманган ва Қарши шаҳарларида сержантлар тайёрлаш ўқув юртлари ишлаб турибди.

Конституциямизнинг 1 боб, 3-моддасида ёзилганидек: **“...Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлимасдир”**. Дарвоқе, янги жаҳият кураётган, ислохотлар ва янгиланишлар йўлида дадил олға бораётган Ўзбекистон учун бошқа қўшни суверен давлатлар сингари тинчлик ва барқарорлик ижтимоий, ҳаётий зарурат. Зотан, инсон зоти борки, доимо эзгуликка, тинчлик ва барқарорликка интилиб яшайди. Ҳаёти тинч ва осуда, турмуши гўзал ва фаровон бўлиши учун курашади. Изланишлари самара берса, қувонади, маънаву юксалади. Барча хайрли ҳаракатлар, эзгу фикрлар жамланиб, улкан бир яхлитликни юзага келтирилади. Бу барчага бирдек энг тўтли нэъмат – Тинчлик! Унинг қафолати мамлакатимизда – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси! Муктасар айтганда, у – Тинчлик қалқони!

Собир ТУРСУНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

МУҲИМ ТАДБИР ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон “Адолат” СДП Урганч туман Кенгаши ўз аъзосини бирлаштирган. Мажлис 25 та бошланғич ташкилот етакчилари, партия фаоллари аҳоли ўртасида миллий истиқлол ғояларини, жумладан, “Адолат” СДП дастурий ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишда муайян ютуқларга эришмоқдалар.

Мамлакатимиздаги муҳим сиёсий тадбир – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов жараёнида партия ташкилотларининг ишлари ҳар қанчонидан тизиг. Фаолларимиз аҳоли ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиямиздан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастурини тарғиб қилиш билан бирга, сайловнинг юқори савияда ўтказилишини ташкил этишга кўмаклашмоқдалар.

Бунда, айниқса, туман ўқувчилар ижодий маркази бошланғич ташкилотини котиби Мансур Ражабов, “Матбуот тарқатувчи” МЧК бошланғич ташкилоти котиби Мархабо Искандарова ҳамда туман кенгаши депутати Муҳаббат Аминовларнинг хиссаси катта бўлапти.

– Мустақиллик йилларида мамлакатимизда юз берган ижобий ўзгариш ва янгиланишлар ҳар биримизга фох ва ифтихор туйғуларини бахш этади. Айниқса, эркин ва демократик жаҳиятнинг барпо этиш йўлидаги ютуқларимиз аҳамияти беқиёс, – дейди туман партия Кенгаши биринчи котиби Моможон Нурматова. – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови жараёнининг кўппартиявийлик асосида, очик ва ошқора руҳда ўтаётганини бунинг ёрқин ифодасидир. Ўйлайманки, юр-

тимизнинг бугунги ва келажакги учун қайғурдиған ҳар бир фуқаро сайловда фаол қатнашади.

Бу каби фикрларни вожада, жумладан, Урганч туманида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни муносабати билан ўтказилаётган турли тадбирлар чоғида ҳам эшитиш мумкин. Хоразмликлар ҳам 23 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда фаол иштирок этиб, Конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда, ўз фуқаролик бурчларини бевосита адо этадилар. Зотан, аини кунларда “Адолат” СДПнинг вилоят ҳамда туман ва шаҳар Кенгашлари, бошланғич ташкилотлари фаоллари аҳоли ўртасида олиб бораётган ишлари мазмун-моҳиятини аинан шунга қаратишмоқда.

Ўйдош ЭШМУРОДОВ

«АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Тошкент шаҳар партия Кенгаши томонидан Конституция қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказилди. Унда Асосий Қонун ҳалқимизнинг асрий аънавалари, кадрларига мос ҳолда одамлар қалбига Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик, ҳалоллик ва адолат, билим ҳамда маърифатга интилиш туйғуларини тарғиб қилишда хизмат қилаётгани таъкидланди.

Бухоро вилоятининг Жондор, Ғиждувон, Қорақўл, Пешку туманларида ўтказилган тадбирларда эътироф этилдики, давлатимизнинг Асосий Қонуни вақт синиқидан муваффақиятли ўтди. Ўтган давр мобайнида буюк келажакнинг асосий ҳуқуқий қафолати эканлигини тўла исботлади. Эндиликда юрт истиқболини белгилашда муҳим омил вазифасини бажармоқда.

Ушбу айёмга бағишлаб Қўшқўр туман партия Кен-

гашида ўтказилган давра суҳбатда Конституция беназир ҳуқуқий қадрият сифатида, жаҳият ҳаётида ижтимоий адолат ва қонунийлигини таъминлашнинг муҳим пойдевори эканлиги қайд этилди.

Ўзбек давлатчилигининг тарихий аънавалари, жаҳон таърибаси уйғунлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилган мамлакатимиз Бош Қомусида инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети тамойилларига содиқлик, демократия ва ижтимоий адолат ғояларига садоқат халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрига устуворлиги мустаҳкамлашган. Аини шу қондалар мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий янгиланишларнинг ҳуқуқий асоси эканлиги аноқуманда алоҳида эътироф этилди.

Нодира АБДУЛЛАЕВА

«ЁШЛАР ҚАНОТИ» – ОИТСга ҚАРШИ



Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан давра суҳбати ташкил қилинди. ОИТСга қарши умумжаҳон кураш кўни муносабати билан ўтказилган давра суҳбати “ОИТСга қарши курашда ёш адолатчилар фаоллиги” деб номланди. Унда партия “Ёшлар қаноти” етакчилари, талабалар ҳамда тегишли идора вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатиде алоҳида таъкидландики, миллат генофондини асраб-авайлашда сиёсий институтлар, хусусан, сиёсий партияларнинг роли беқиёс. Шу маънода айтиш жоизки, Ўзе-

бекистон “Адолат” СДП, унинг ҳудудий ва бошланғич ташкилотлари, партия фаоллари халқ саломатлигини ҳимоялаш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш каби масалаларга катта эътибор бериб келмоқда.

Тадбирда ОИВ/ОИТС хавфи, унинг асоратлари, касаллик сабаблари, унга қарши курашиш йўллари ҳақида ёшларга батафсил маълумот берилди.

Давра суҳбатиде бу каби тадбирларнинг жойларда ҳам ўтказишга келишиб олинди.

Акмал САМЕДЖОНОВ, Ўзбекистон “Адолат” СДП Марказий аппарати йўриқчиси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш ва фуқаролик жаҳиятини шакллантиришда демократик институтларнинг аҳамияти жуда катта. Сайловлар эса, ана шу демократик жараёнларнинг бир қўринишидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига асосан, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жаҳият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади”. Ўзбекистон фуқароларининг жаҳият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи эса қуйидагилардан иборат:

– давлат ҳокимияти вакиллик органларини сайлаш ва сайланиш;

– умумхалқ референдумларида фаол иштирок этиш;

– давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида мансаб эгаллаш;

– давлат органлари ва о-

давлат ташкилотларига ўз фикр ва таклифларини билдириш ва ҳоказолар.

“Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”ги қонунда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасида эканлиги эътироф этилган.

Сайловларнинг демократиклиги кўп жиҳатдан сайлов тизимига боғлиқ. Сиёсий соҳани эркинлаштиришда демократиянинг энг муҳим шартини булган сайлов ҳуқуқининг қафолатлиниши ва амалга оширилиши жаҳият ҳаётида принципиал аҳамиятга эга. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган бу ҳуқуқ демократик қадриятлар юксак даражага кўтарилганда амалга оширилади.

Ўзбекистонда сайловлар ўтказишнинг демократик тамойиллари қарор топишди. Конституцияда етакчи ўрин тутди. Чунки Конституциянинг алоҳида боби сайлов тизимига бағишланган. Хусусан, унинг 117-моддасида фуқаролар вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига, ҳар бир сайловчининг бир овозга эга эканлиги, ўз хоҳиш-иродасини билдириш эркинлиги қонун билан қафолатлиниши эътироф этилган.

Сайловларга оид Ўзбекистон Республикаси қонунларининг нормалари халқаро ҳуқуқ нормаларига, ҳақонда ўзини оқлаб келаятган сайлов ҳуқуқининг умумий принципига мос. Бу принциплар қуйидагилардир:

– сайлов қонунчилигининг Конституцияга тўла мос келиши;

– давлатчилик ва давлат ҳокимиятининг қонун асосида ўзгартирилиши;

– сайлов тизимининг барча вазифалари ва механизмлари қонунлиги ва ҳуқуқий муҳофаза қилинганлиги;

– сайлов тизимининг демократиклиги;

– фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги;

– сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлиги;

– сайлов тизими халқчиллиги, яъни ҳар бир фуқаро учун тушунарли эканлиги ва амалга ошириш мумкинлиги;

– овоз бериш ва сайлов натижаларини тўлиқ олиш қафолатлиниши ва ҳоказолар.

Сайлов ҳуқуқини амалга ошириш сиёсий жараёнларни ҳаракатга келтирувчи, фуқароларнинг сиёсий фаолигини оширишга хизмат қилувчи ҳодисадир. Фуқаролик жаҳиятини шакллантириш шароитида сайлов қонунчилигининг аҳамияти ҳақида тўхталганда, сайлов жараёнларининг боришини кенг аҳоли эътиборига қандай усул ва воситалар орқали етказилиши муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу борада мамлакатимиздаги барча оммавий ахборот воситалари, илғор халқаро тажриба ва миллий сайлов ама-лиётига таянган ҳолда, сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини мунтазам изчил ёритиб келаётган. Бинобарин, оммавий ахборот воситалари сайловнинг очик ва ошқора, тўри ва қонуний ўтишига кўмаклашади, яъни ўзига хос жамоатчилик назоратини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларини кенг тарғиб қилиш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва янада оширишда фаол иштирок этади.

Фуқаролар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида белгиланган ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан нечоғли хабардорлиги ҳамда бурч ва мажбуриятларига виждонан амал қилишлари сайловлар жараёнида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалардан бири ўз аъзолари, електорлари, қолаверса, барча сайловчиларда сиёсий маданиятни шакллантиришдан иборатдир. Сиёсий маданият эса, ҳуқуқий маданият билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, сайловлар жараёнида иштирок этаётган ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунлар орқали ўзига берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлардан хабардор бўлсагина, уни ҳуқуқий маданиятли фуқаро, дейиш мумкин.

Айнан ҳуқуқий маданияти шаклланган шахс сиёсий жараёнларда, яъни сайловларда иштирок этиш нафақат ҳуқуқи, балки фуқаролик бурчи ҳам эканлигини англаб етади. Сайловларда у ёки бу номзодга таваккал қилиб эмас, балки номзоднинг ёки номзодни кўрсатган сиёсий партиянинг ғоялари, мақсад ва сайловолди дастурлари мазмун-моҳиятини онгли равишда таҳлил этиб, Ватан тараққиётини ва халқ фаровонлигини таъминлашда қайси ғоя ва дастур

ўзига маъқул эканлиги тўғрисида ҳулоса чиқарган. Аниқроқ айтганда, муносиб номзодга овоз беради. Шундай шароитларда ўтказилган сайловлар демократик принципларга тўла амал қилиб ўтказилган ҳисобланади.

Сайлов жараёнида сиёсий партияларнинг асосий вазифалари сирасига қуйидагиларни қиритиш мумкин:

– Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида белгиланган қийилган сайлов ҳуқуқига оид нормаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш;

– фуқаролар ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларидан кенг фойдаланиш;

– ҳуқуқий ва сиёсий маданиятнинг юқорилиги – бу фақат қонунларни яхши билиш эмас, шу билан бирга, қонунларни ҳурмат қилиш ва уларга амал қилиш эканлигини фуқаролар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

– фуқаролар ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг амалда таъминланганлиги устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш билан бирга, Конституция ва қонунларда белгиланган бурч ва мажбуриятларига ҳам амал қилиб, уларни ўз вақтида бажаришлари самарали бўлишини кенг тарғиб қилиш.

Бу мақсадларни рўёбга чиқарувчи демократик сиёсий институтларнинг асосини сиёсий партиялар ташкил этади. Сиёсий партияларнинг мана шундай демократик жараёнларда, хусусан, очик ва ошқора ўтказиладиган сайловларда фаол қатнашиши уларнинг давлати идора этиш ишларида муқаммал тажриба орттиришларига кўмак беради. Сайловларда ҳар бир сиёсий партия, албатта, имкони борида сайловчиларнинг кўпроқ овозини олишга ҳаракат қилади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, қайси сиёсий партия сайловда қандай натижага эришганидан қатъи назар, айнан сайловда иштирок этиши ана шу сиёсий партия учун мамлакат сиёсий майдонида янада чиниқиб, тажриба орттириш ва қолаверса, кўппартиявийлик шароитида ўзга партиялар билан сиёсий рақобатга киришиш борасида улкан мактаб вазифасини ўтайди.

Хуллас, сиёсий партияларга бирлашган ҳамда сайловлар жараёнида ўз ҳуқуқидан кенг фойдаланган, ўзининг бурч ва мажбуриятларини ўз вақтида бажарган, ҳуқуқий маданияти юксак бўлган фуқароларга сайловлар натижасининг самарали бўлишига ижобий ҳисса қўшади.

Худоёр МАМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзоси

СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ

партиявий фаолият негизиде

(Давоми. Боши 1-бетда)

Улар янги иш жойлари, юқори иш ҳақи ва жаҳиятнинг ижтимоий эътиёжлари учун олинмадиган солиқларнинг бозор муносабатларининг самарали йўлга қўйилиши билан боғлиқлигини тўла англаган ҳолда, тадбиркорлар ва кенг халқ оммасининг манфаатларини бир-бирига мослаштиришга интилиб иш олиб бордилар.

Ўтган бир ярим аср давомида халқаро социал-демократик ҳаракат мураккаб йўлни босиб ўтди. Бу ҳаракат ҳозир ҳам изланишда, ижтимоий адолат тамойиллари, вакиллик демократияси қондалари ва эркинликнинг алоҳиқ меъёриларига бўлган содиқлик ҳозирда ҳам унинг асосий мафқуравий таянчлари бўлиб келмоқда.

Ижтимоий адолат тамойиллари XX аср бошида ҳам, аср сўнгиде ҳам долзарблигини йўқотмади. Чунки меҳнат шароити, бозор муносабатлари, одам психологияси ўзгарса ҳамки, ижтимоий адолатла бўлган интилиш ҳеч қачон сусаймади.

Ғарбда шаклланган социал-демократия ғоялари ҳозирги кунда бутун дунёга

кенг тарқалди. Эндиликда дунёнинг турли мамлакатларида, шу жумладан, бир қатор Шарқ мамлакатларида ҳам социал-демократик йўналишдаги партияларни ҳокимият тепасида ёки ҳокимият учун кураш жаҳасида учратиш мумкин. Дунёда социал-демократик йўналишдаги 200 дан ортиқ партия ва ҳаракатлар мавжуд. Улар социалистик, лейбористик, социал-демократик партиялар номи остида фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда Швеция, Финляндия, ГФР, Буюк Британия, Испания, Италия, Португалия, Австралия, Голландия, Норвегия каби мамлакатларда социал-демократлар давлат бошқарувини амалга оширишда бевосита иштирок этиб келмоқда.

Халқаро социал-демократик ҳаракатининг ақсарият партиялари ва ҳаракатлари Социалистик Интернационалга бирлашган.

Ҳозирда амалда бўлган социал-демократия тамойиллари Социалистик Интернационалнинг 1989 йили Стокгольм шаҳрида ўтказилган Конгрессида ишлаб чиқилган Стокгольм Декларациясида

белгиланган берилган. Социалистик Интернационал (СИ), унинг уставида белгиланганича, демократик социализмни қарор топтиришга интиляётган барча сиёсий партия ва ташкилотларнинг бирлашмасидир. Сийнинг мақсади бирлашмага кирувчи партиялар орасида муносабатларни мустаҳкамлаш ва келишув асосида уларнинг қарашлари ҳамда ҳаракатларини мувофиқлаштиришдан иборат. Шу билан бирга, уставида СИ бирлашма аъзоси бўлмаган, лекин у билан ҳамкорликка хоҳиши бўлган бошқа социалистик йўналишдаги партиялар билан алоқаларини кенгайтиришга интилади, деб қўрсатилган.

Стокгольм декларациясининг “Тамойиллар” қисмида социал-демократиянинг асосий туйшунчалари баён этилган. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Демократик социализм – бу эркинлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик учун халқаро ҳаракатдир. Унинг мақсади демократик жаҳият доирасида ҳар қандай инсоннинг фуқаролик ҳуқуқлари қафолатланган, тўлақонли ҳаёт кечириш учун имко-

ниятлари тўла рўёбга чиқариладиган оқоийшта дунёни яратишдир.

Эркинлик – ҳар қандай инсон барча турдаги зўрликдан эркин бўлиши, ўзининг шахсий мақсадлари ва индивидуал имкониятларини рўёбга чиқаришга ҳақлидир.

Адолат – шахсинг бирон-бир шаклдаги камситилишига йўл қўймаслик ва ҳамма учун баробар бўлган ҳуқуқ ва имкониятлар тенглиги демократия. Адолат ҳар қандай жисмоний, ақлий ва ижтимоий тенгсизликка барҳам беришнинг талаб этади.

Тенглик – бу одамларнинг тенг кадр-қимматга эгаллиги қўрсаткичи ва инсон шахси эркин ривожланишининг зарур шартидир. Принципиал жиҳатдан иқтисодий, ижтимоий ва маданий тенглик турли хил шахсий қобилиятларнинг рўёбга чиқариш учун ҳам, ижтимоий тараққиёт учун ҳам устувор аҳамиятга эга.

Бирдамлик – адолатсизлик қўрмоқларига нисбатан қўрсатилган инсонпарварлик ва ҳамдардлик руҳининг амалий қўриниши

«НАВОИЙДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимиз халқини Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси куни муносабати билан самимий муборакбод этади.*

*Азиз юртодошлар, Конституция
ҳаётимизнинг ҳуқуқий асосини
белгиловчи, қолаверса, жамиятда
демократия тамойилларини янада
ишқин қарор топтиришда мустах-
кам ҳуқуқий замин бўлиб хизмат
қилувчи Асосий Қонундир. Бах-
тимиз Қонуни озод ва обод Ва-
тан куриш, нузли истиқбол сари
дадил одим ташлашда баркамол
йўлдош бўлсин!*

Дўстим дўстдорхонимиздан кут-барака аримасин!



«НАМАНГАНПАХТАСАНОАТ» ХУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

*Озод ва обод юртимиз дўстдорхонимиз, қўлдош
юртимизда мамлакат ҳаётимиз барча демократия-
ларимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
қабул қилинганлигининг 15 йиллиги билан
самимий муборакбод этади.*



**Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамisha мусаффо,
хонадонларимиз файзли, тўқинли бўлсин!**


АМУДАРЁ ТУМАНИДАГИ «ЁҒҒАР»

ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

**Юртодошларимизни яқинлашиб келаётган кутлуг
айём 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганлигининг
15 йиллиги билан табриклайди.**

*Мустақилликнинг 16 йилида эришилган
муваффақиятлар, шубҳасиз, Асосий
Қонунимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳаётий
тамомиллар ва ҳуқуқий меъёрларнинг ҳаётга
тадбиқ этилаётгани мевасидир. Шу боис,
Конституциямиз ҳар биримизнинг фахримиз,
нузли йўлдошимиздир.*

Барча эзгу тилакларимиз Сизга, азиз юртодошлар!



АСОСИЙ ҚОНУНИМ

Хуррият биносин тамали тоши,
Истиқлол қарвонин сарбони, боши,
Озодлик осмонин сўнмас кўши,
Асосий Қонуним, Қомусим менинг,
Ҳаётим, қувончим, номусим менинг.

Ҳар сатрида боболарим қони жо,
Ҳар қатида момоларим шаъни жо,
Ҳар байтида олам-олам маъни жо,
Асосий Қонуним, Қомусим менинг,
Қанотим, суянчим, номусим менинг.

Юртим кўксидида қалқоним ўзинг,
Кўкда порлаб турган чўлпоним ўзинг,
Эзгулик гуллаган бўстоним ўзинг,
Асосий Қонуним, Қомусим менинг,
Роҳатим, севинчим, номусим менинг.

Адолат зийси таралар сендан,
Саодат қўргони яралар сендан,
Элга нажот бўлмиш чоралар сендан,
Асосий Қонуним, Қомусим менинг,
Шавкатим, шухратим, номусим менинг.

Умид гулшанининг сайроқ қуши сен,
Тафаккур сеҳрининг нобб иши сен,
Неча авлодларнинг армон-туши сен,
Асосий Қонуним, Қомусим менинг,
Муродим, илинжим, номусим менинг.

Тинчлик бешигини асровчи тумор,
Адолат шаҳрида энг юксак минор,
Ҳақиқат боғида бўй чўзган чинор,
Асосий Қонуним, Қомусим менинг,
Саботим, соғинчим, номусим менинг.

Комил СИНДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Биз — болалиги етмишынчи йилларда кечганларнинг мактаб дарсидан бўш пайтлари, асосан, мол-ҳолга қараш билан ўтарди. Яшанба куллари тўрт-беш жўра 10-12 тадан қўй-қўзғили қўшиб, бир сурув қиларди-да, қишлоққа яқин Жилван яйловларига чиқиб кетарди. Дашнинг илон, чаёларидан қўрқмайдиган болалар молларимизни баланд қирнинг нариги томонига ўтиб кетишдан доимо ҳаққидо эдик.

— Қирлар ортидан Америка чегаралари бошланади, — дерди биздан ёши каттароқ Равшан ака. — Чегарани аждаҳола қўриқлайди. Радиоахборотлар ҳам Американи дахшати қилиб таърифлар, ўша йиллар, бизнинг тасавурумизда Америка йўлаб бўлмас жанжалкаш оловхонага ўхшарди.

Бугун-чи! Бугун бизнинг болалар Америкада ўқишапти. У жойларда ўзбекнинг қадам изи бор, жарангдор овози бор. Шаҳдам-шаҳдам, ўктам-ўктам қадамлар! Залворли қадамлар, виқорли қадамлар. У жойда ўзбек байроғини ҳамма танийди. Унда ўзбек йигитлари гурсурс қадам ташлаб юради. Бу йигитлар энди шўро давридаги ҳовлисига яқин қирлар ортидан қўрққан болалар эмас, балки юрт мустақиллиги шарофатидан нафакат қирлар ортига, денгизлар ортига кўз тиккан йигитлар! Бу йигитлар ҳилпираб турган байроғимизда ям-яшил қирлар чиройини, сернур кўёшу сержилва юлдузлар мафтункорлигини тасаввур қилиб яшамокдалар. Ўзбекистон байроғини барча элатлар байроғидан баландроқ кўтариш осон иш эмас. Кучли, ақл-идрокли алп йигитлар сарбаланд элати юрт байроғини...

Шу йилнинг 23 октябрь-3 ноябрь кунлари АКШнинг Чикаго шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси сафида бухоролик 21 ёшли чарм қўлқоп устаси Аббос Атоев ҳам бор эди. Нуфузли мусобақада дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан келган 600 нафардан кўпроқ боксчи рингга чиқди. Жаҳон чемпионлиги унвони ва 2008 йили Пекин шаҳрида бўладиган ёзги Олимпиадада ўйинлари йўлланмасини ҳал қилиши мумкин бўлган мазкур чемпионатга ҳар бир катнашувчи катта умид билан келгани рост.

Мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган ўзбек ўғлини Аббос Атоев жаҳон чемпиони номини қўлга киритди. Бу шунчаки хушхабар эмас. Сиз не-не қайрағочдек мустахкам спортчилар қайрилганини, эриганини, дув тўқилганини кўз олдингизга келтиринг. Аббос ўша кунлар мушт нималигини писанд қилмади. Танаси темирчининг оташхонасида қизиган

пўлатдек қизиди. Муштлари рақиб танасига жазза-жазза ботди. Рақиб кучли олишга пешвоз чиққанларга миннатдорчилик билдириб, фарзандини такрор-такрор бағрига босди. Қўлхатибликлар ўзларидан чиққан чемпионни бошларига кўтаришди. Қўйлар сўйилди, дошқозонлар қайнади. Ўша шом тонгга қадар мунаввар бўлди.

Эртаси кун Аббос билан суҳбатлашдим.

— Ўзбекистон бокс жамоасидан фақат мен 81 килограмм вазнда финалгача етиб бордим, — деди у. — Энг сўнгги умид мен эдим. Ҳеч ким Чикагои томоша қилиб келаман, деб бормаган. Қисқаси, томоша юракка сиғмаган кунлар бўлди. Сафдошларимдан омад юз ўғиргач, барчанинг бошини ҳам қўришни орийат, деб билдим. Россиялик истеъдодли боксчи Артур Бтирбеев билан кечган финал жангида ортга чекинишга йўл йўқлигини ҳис қилиб турардим. Байроғимизга узок тикилиб турдим. Миллионлаб юртдошларим, отам-онам, қадрдон кишлоқдошларим кўз олдимдан ўтди. Мен юртга совға қилгудек катта ютук тўрт қадам етгулик масофада эди. Жанг бошланди, рақибим биринчи, иккинчи раундларда эҳтиёткорликка берилди, шечкилли, қулай пайт пойлаб вақт ўтказди. Бу орада тузуккина очко ишлашга мурожаат бўлди. Учинчи раундда Бтирбеевнинг «кузи очилди». Тўртинчи раундда ҳам унинг иштаҳаси баландроқ келди. Сониялик танафусда жамоадошларимнинг, мураббийнинг

лаётган: «Отанга раҳмат»лардан кўнгли ўсди. Онаси Мавжуда опа ўғлини қутиб олишга пешвоз чиққанларга миннатдорчилик билдириб, фарзандини такрор-такрор бағрига босди. Қўлхатибликлар ўзларидан чиққан чемпионни бошларига кўтаришди. Қўйлар сўйилди, дошқозонлар қайнади. Ўша шом тонгга қадар мунаввар бўлди.

Жаҳон чемпиони бўлганимни ҳис қилиб, бу юксак чўққига чиқиб учун чекилган ўн бир йиллик машаққатларни, оғир синовларни бир зумда унутдим. Бу ютук фақат меники эмас, ўзбек боксчиларининг ютуғи бўлди. Бошимиз сарбаланд бўлиб, Ватанга қайдик. Руфат Рисқиев, Артур Григорьян, Руслан Чагаев, Мухаммадқодир Абдуллаевларнинг эришган ютуқларига ҳавас қилиб юрардим. Оллоҳ насиб қилганига шуқур. Ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида юксак мукофот билан тақдирланганим эса менга руҳий мадад бахш этди. Ўзбекистон нуфузини оламга ёйишга, миллимиз шаънини улуғлашга ўзимизнинг куч-гайратимни ҳеч қачон аямайман. Қолган гапларни Пекин олимпиадасидан сўнг гаплашамиз...

Аббос оппоқ «Нексия»сини ўт олдириди. Олдига мураббийси Олим Мухаммедов ўтирди. Хайрлашдик. Миямга ёш жаҳон чемпионининг масъулиятни чуқур ҳис этиб, «Чекинишга йўл йўқ эди», деган гапи ўрнашиб қолди. Унинг Бухоро шаҳри томон одимлаб бораётган машинаси ортидан беихтиёр пичирлаб уч бора: «Чекиним! Асло чекиним! Ҳеч вақт чекиним!», дедим.

Дилмурод ЖАББОР

Вобект туманининг Қўлхати кишлоғида турган оддий кишлоқ йигити, ёш бўлишга қарамай, ўзини элга танитди. Қойил денг, оғирнинг денг, отанга раҳмат дерин!

Аббос Бухорога Президент совғаси — оппоқ «Нексия» миниб келди. Унинг қучоғи гулларга тўлди. Эндидаги зар тўн куёвлик либосидан ҳам оқиб тушди. Отаси Абдураззоқ аканинг ўли Аббосга қарата айти-

ган спорт устози» фахрий унвони бериш тўғрисида Республика Президентининг Фармони чиқди. Фармонни ўқиб кўзларимга ёш қуйилди. Аббоснинг шу чоғ ёнимда бўлишини, уни бағримга босиб қутлашни жуда-жуда истадим. Сизда ҳам шу туйғу кечгани аниқ.

«Кўзимизда севинч порлайди. Қалбимизга қувонч тошади. Чиндан ҳам Аббос ўзбекининг бекилини кўрсатди, метиндек сабр-бардошига, ирода ва қатъиятига қойил қолдик.

«КУНЛАРИНИНГ БИРИДА»

Тошкент Фото уйда фотосуратчи Виктор Аннинг «Кунларнинг бирида» деб номланган кўргазмаси очилди.

Виктор Ан ижоди серкира бўлиб, у ўзига хос бадий услубга эга. — Одамлар, уларнинг ҳаёти ва табиатдаги бетакрор, манзараларни суратларга муҳрлаб қўйишга ҳаракат қиламан, — деди Виктор Ан. — Инсонларга айтмоқчи бўлган гапларимни фотоаппарат объективи орқали олган суратларимда акс эттираман. Истагим, томошабинларда суратларим мушоҳада уйғотса, ёдига қолса...

Кўргазмада Виктор Аннинг турли йўналишларда яратилган етмишдан ортиқ асари намойиш этилмоқда. «Болалигим», «Ўтган кўча», «Қафдаги чизиклар», «Орол бўйи», «Моварауннахр йўллари» каби асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

«Туркестон-пресс»

ТАЪЛИМ ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Афсона тиббиёт коллежи ахборот-ресурс маркази ўз моддий-техника базаси, бой адабиётлар фонди жиҳатидан Бухоро вилоятидаги энг намунали зиё масканларидан бири ҳисобланади. 303 ўринли мажлислар зали, барча қулайликларга эга дам олиш хонаси, миллий истиқлол гоёлари акс этган кўргазмали воситалар билан жиҳозланган маънавият хонаси — буларнинг бари ҳар қандай ўқув юрти учун ҳавас қилгулик жиҳатлар.

Коллежнинг 3200 нусха адабиёт фондига эга ахборот-ресурс марказида китобхоналар учун барча шароитлар муҳайё. Киришхона, каталоглар, 32 номдаги газета ва журналлар ўқувчилар ихтиёрида.

Ахборот-ресурс маркази ёш авлодни маънавий етук этиб тарбиялашда бизга яқин кўмакчи вазифасини ўтамоқда, — дейди коллежнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Салоҳиддин Назаров. — Масалан, адабиёт соҳасидаги ҳар бир мавзу ўзида жуда катта маълумотни тўплаган бўлиб, уни бир дарснинг ўзида ўқувчига тўлалигича етказишнинг илоҳи йўқ. Шундай кезларда дарс-

нинг қолган қисмини ўқувчилар уйга вазифа сифатида мустақил тарзда тайёрлашларига тўғри келади. Кутубхонада зарур қўшимча адабиётларнинг мавжудлиги эса уларнинг бу машғулотларни ўз вақтида ўзлаштиришларига ёрдам беради.

Дарҳақиқат, мазкур илм масканида ўқувчилар адабиёт танқислигига дуч келишмайди. Негаки, мавжуд китобларнинг электрон вариантлари зарур ахборотни тезда топишда қўл келаётди. Шунингдек, ўшб коллеж ахборот-ресурс марказида интернет хонаси ҳам мавжуд. Интернетга уланган энг сўнгги русумдаги компьютерлар ёрдамида ёшлар бевоисита дунё билан алоқага чиқишади.

Тиббиёт ходими кенг билим ва катта ахборот манбаига эга бўлиши керак, — дейди коллеж ўқувчиси Дилафрўз Шарипова. — Шу боис, интернет орқали биз жаҳон тиббиётини дунё билан алоқага чиқишимиз, долзарб муаммолар ҳусусида ўз вақтида маълумот олаётишимиз.

Д.ЖАББОРОВ,
«Адолат» мухбири

«ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ДАВОМ ЭТМОҚДА

Вазирлар Маҳкамаси фармойишига биноан жорий йилнинг 15 ноябрдан 15 декабрга қадар республикамизда «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда. Фармойиш ижросини таъминлаш мақсадида аниқ тадбирлар белгиланиб, муайян ишлар амалга оширилмоқда. Қувонарлиси, «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»да ходимларимиз билан бир қаторда корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, маҳалла фаоллари ва фуқаролар ҳам фаол иштирок этишмоқда.

«Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»нинг ўтган даври мобайнида ходимларимиз томонидан 19 мингдан зиёд корхона, ташкилот ва муассасаларнинг, 1 миллиондан зиёд аҳоли хонадонларининг ёнгинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таъсир ва кўрсатмалар берилди. Тарғибот ишлари сиғириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида 1,5

миллионга яқин нусхада турли хил эслатма, плакат ва шиорлар тайёрланиб, жойларга тарқатилди. Корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, мактаблар, ўқув юртларида кўргазмали кўроллар билан жиҳозланган ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.

Бу тадбирларни ўтказишдан қўзланган мақсад ёнгинларнинг олдини олишдир. Бироқ, минг афсуски, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаётган фуқаролар, раҳбар ходимлар ҳам учраб турибди. Ёнгин хавфсизлиги талабларини бажармаётган 2896 нафар фуқарога нисбатан маълумий жазо чоралари қўлланилди. Ёнгин чиқиши мумкин бўлган 2038 та корхона, цех ва омаборхоналардан фойдаланиш вақтинча тўхтатилди.

Амалий саъй-ҳаракатлар натижасида бирмунча ютуқларга эришилди. Чунинчи, «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»нинг дастлабки кунларида содир бўлаёт-

ган ёнгинлар сони 665 тани ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 191 тага камайишига эришилди.

Даврон ҚАМБАРОВ,
НИВ ЕХББ
катта муҳандиси, капитан

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, тилсиз ёв — оловдан фойдаланишда лоқайдлик, эътиборсизлик қилиш оғир оқибатларга олиб келади. Ачинарлиси, ёнгин катта моддий зарар келтириш билан бирга, заҳарланиш, қуйиш натижасида инсонларнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиш ҳоллари ҳам учрайди. Шунинг учун ёнгинга қарши кураш барча фуқароларнинг бурчи ҳисобланади. Қолаверса, қўриқланаётган масканларда, иш жойларида «чиқиш йўллари»

чизмаси бўлиши, чиқиш йўлларининг эни 1 метрдан, эшикларнинг эни 0,8 метр, бўйи эса 2 метрдан кам бўлмаслиги керак. Чиқиш йўллари бўлган йўлаклар, зинапоёллар одамлар сони-га қараб ҳисобланади. Шу билан бирга, бино ва бошқа иншоотларнинг ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши ҳам муҳим масаладир.

Хуллас, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига доимо риоя қилиш барчамизнинг бурчимиз. Зотан, ана шунда биз ўзимизни, оиламизни, ён-атрофдагиларни, моддий мулкимизни содир этилиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалардан сақлаб қолган бўламиз.

У.РАЗЗОҚОВ,
Д.БОБОВ,
Тошкент шаҳридаги
12-ХЕХО ходимлари

Тошкент шаҳар Миробод туман ҳокимлиги томонидан «Дилноза-омад сервис» МЧЖга берилган Низом ва таъсис шартномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тахрир хайъати

Дилором ТОШМУХАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турсунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ХАЙДАРОВ,
Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,

Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Қамол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Махсус: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди

«Адолат»дан қўчириб босиб фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи — Б.БОТИРОВ
Саҳифаловчи — З.БАКИРОВ

ADOLAT

ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СДП СИЕСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru